

# Ғусл



17:00 / 26.03.2019 7085

«Ғусл» сўзи луғатда бирор нарсанинг устидан сув оқизишни англатади.

Шариатда эса, Аллоҳ таолога қурбат ниятида баданнинг ҳаммасига сув оқизишга «ғусл» деб айтилади.

Ғуслнинг шариатимизда вожиб қилинишининг ҳикматлари кўп.

Аввало, у – ибодат, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш учун зарур нарса.

Иккинчидан, поклик, озодалик ва соғлиқ учун ўта муҳим омил.

Қолаверса, ғуслни вожиб қилувчи нарсалар туфайли инсон вужудида пайдо бўладиган баъзи нопокликларни кетказиш, маний кетиши ила жисм йўқотган нарсаларни қайта тиклашдир.

Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин ғусл қилган одамда қон юриш яхшиланади ва тетиклик тикланади.

Шунингдек, ният билан қилинган ғусл туфайли гуноҳлар ҳам ювилади.

## **Ғуслнинг фарзлари**

**Бас, ғуслнинг фарзи оғзини, бурнини ва бутун баданини ювмоқдир.**

Бу жумладан ғуслнинг фарзи учта экани англаб олинади:

### **1. Оғизни чайқаш.**

Албатта, оғизни яхшилаб чайқаш ғуслнинг фарзларидан бири экани ҳаммага маълум. Бусиз ғусл бўлиши мумкин эмас.

### **2. Бурунни чайқаш.**

Бурунни яхшилаб, муболаға ила чайиш ҳам ғуслнинг фарзи ҳисобланади.

### **3. Баданнинг барча ерини ювиш.**

Бутун танани, бирор туки остини ҳам қўймай, сув етказиб ювиш ҳам ғуслнинг фарзидир.

Ғуслнинг фарзлиги «Моида» сурасидаги:

فَاَطَّهَرُوا جُنُبًا كُنْتُمْ وَإِنْ

**«Агар жунуб бўлсаларингиз, покланинглар»** (6-оят) оятидан олинган. Бунда ювиш имкони бор барча жойни поклаш маъноси бордир.

Аллоҳ таоло яна «Нисо» сурасида:

تَغْتَسِلُوا حَتَّىٰ سَبِيلِ عَابِرِيْ الْأَجْنُبَا وَلَا

**«Ва жунуб ҳолингизда ҳам, то ғусл қилмагунингизча** (масжидда турманг). **Магар йўлдан ўтувчи бўлса, майли»**, деган (43-оят).

Ушбу икки оятда оғиз, бурун ва баданнинг барчасини ювиш маъноси бор.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, ҳар бир тук толаси остида жунублик бор. Бас, сочи ювинг ва жилдингизни покланг», дедилар».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

*Ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида:*

**«Ким жунубликдан бир тук ўрнини ювмай қолдирса, дўзахда ундай қилинади, бундай қилинади», дедилар».**

**«Али:**

**«Шунинг учун бошимни душман тутдим», деб уч марта айтди. У сочи қирдириб юрар эди», дейилган.**

### **Фуслнинг суннатлари**

**Бас, унинг суннатлари икки қўлини ва фаржини ювмоғи ҳамда нажосатни кетказмоғи. Сўнг таҳорат қилади. Аммо икки оёғини ювмайди. Кейин баданига уч марта сув қуяди. Сўнгра оёғини сув тўпланган жойдан бошқа ерда ювади.**

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жунубликдан фусл қилсалар, аввал икки қўллари ювишдан бошлар эдилар. Сўнгра ўнг қўллари билан чап қўлларига сув қуйиб, фаржларини ювар эдилар. Кейин эса намозга қиладиган таҳоратларини бажарар эдилар. Сўнгра сувни олиб, панжаларини сочлари остига киритар эдилар. Токи, сув яхши етганига ишонганларидан кейин бошлари устидан уч ҳовуч сув қуяр эдилар. Кейин қолган таналарига сув қуяр, сўнгра оёқларини ювар эдилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

**Сочи ўрилган аёл учун унинг остини ҳўллаши кифоя қилади.**

*Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен сочимни мустаҳкам қилиб ўрадиган аёлман. Жунублик ғусли учун уни ёймоғим керакми?» дедим. У зот:**

**«Йўқ, сен учун бошинг устидан уч ҳовуч сув қуймоғинг кифоя қилур. Сўнгра устингдан сув қуясан. Бас, пок бўлурсан», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Барча ҳужжат ва далилларни синчиклаб ўрганиб чиққан фуқаҳоларимиз ғуслни аввалдан охиригача қуйидаги тарзда баён қиладилар:

Дастлаб, ғусл қилувчи шахс тасмия айтади ва ният қилади. Кейин икки қўлини ювади. Кейин орқа, олди фаржини ювади. Баданида нажосат бўлса, ўшани ювади.

Кейин худди намозга қилгандек таҳорат қилади. Албатта, оғиз-бурунни муболаға билан чайқаш бор гап. Агар турган жойида сув жамланадиган бўлса, оёқларини ювишни кейинга суради.

Сўнгра бошига сув қуйиб, ишқаб ювади. Баданига уч марта сув қуяди. Ўнг елкасидан бошлаб сув қуяди. Кейин чап елкасига. Қўли билан баданини ишқайди. Икки қулоғи, киндиги, қўлтиқ ости каби сув етиши қийин жойларига алоҳида эътибор беради.

Ғуслнинг охирида бошқа тарафга ўтиб оёқларини ювади. Сув тўпланмаса, оёқларини ҳам ўша ерда ювиб олаверади.

Ғуслнинг одоблари ҳам худди таҳлатнинг одобларига ўхшайди. Аммо ғуслда қиблага қараш йўқ.

Ғуслда қуйидаги нарсалар макруҳдир:

- 1.** Сувни исроф қилиш.
- 2.** Сувни ўта оз ишлатиш.
- 3.** Сувни юзига уриш.
- 4.** Одамлар гапини гапириш.
- 5.** Узрсиз бошқадан ёрдам олиш.
- 6.** Дуо қилиш.